ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

НАРИМОВА ГУЛЧЕХРА ДЖУМАНИЯЗОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КУШИНГ СИНДРОМИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА МОНИТОРИНГИ

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 616.453-008.61-036.22-007-08

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Наримова Гулчехра Джуманиязовна
Ўзбекистон Республикасида Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги 3

Наримова Гулчехра Джуманиязовна
Эпидемиология, диагностика, лечение и мониторинг синдрома Кушинга в Республике Узбекистан 27

Narimova Gulchekhra Djumaniyazovna
Epidemiology, diagnostic, treatment and monitoring of Cushing Syndome in Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных научных работ
List of published scientific works …….....…….....……..... 56

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

НАРИМОВА ГУЛЧЕХРА ДЖУМАНИЯЗОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КУШИНГ СИНДРОМИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА МОНИТОРИНГИ

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Халимова Замира Юсуфовна** тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Нажмутдинова Дилором Камардиновна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Рахимова Гульнора Нишановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Кариев Гайрат Маратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**В.А. Алмазов номидаги миллий тиббий илмий текшириш маркази, Санкт-Петербург**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____ куни соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.И. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Кушинг синдроми (КС) оғир нейроэндокрин касаллик бўлиб, ташхислаш ва даволаш тизимида ўзига хос бўлган, қатор асоратларига эга касалликлардан биридир. АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми (АКТГ-БКС) гиперкортицизм яққол белгилари билан намоён бўладиган тез ривожланадиган нейроэндокрин касаллик ҳисобланади. «...касалликни ташхислашда хавф гуруҳларини скрининги, гипофиз аденомасининг нейро-визуализацияси қийинлиги, қондаги АКТГ миқдори ҳар доим ҳам ишончли эмаслиги, консерватив даволаш давомийлиги ҳамда касаллик ремиссияси, унинг қайталаниши, ўлим ҳолати, КС билан хасталанган аёлларнинг ҳомиладорлиги...»[1] муҳим аҳамият касб этади[2]. КС беморларини эрта ташхислаш, даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижалари, ташхислаш ва даволашнинг оптимал алгоритмларини, касаллик қайталанишини башоратлашга қаратилган усулларни ишлаб чиқиш, КС беморлари ҳолатининининг мониторингини олиб бориш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги самарадорлигига эришиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда КС билан ташхисланган беморларнинг регистрини ишлаб чиқиш мазкур касалликнинг тарқалганлигини, этиологиясига боғлиқ равишда ташхислашнинг мавжуд усуллари самарадорлигини ошириш, КС эрта аниқлашда скрининг услубларининг аҳамиятини, медикаментоз, нур ва жарроҳлик йўли билан даволаш тадбирларининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш бўйича ўлим ҳолатлари сабаблари ва даволашнинг қониқарсиз натижаларининг таҳлилини ўтказишни тақозо этмоқда. КС турли шаклларида касаллик ремиссияси ва қайталаниши предиктор-омилларни, касаллик ва ўлим ҳолати хавф омилларининг интеграл тизимини, кўп омилли таҳлили ва оптимизацияси асосида касалликни якуний башоратлаш услубини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида қатор вазифалар юклатилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»[3]га қаратилган вазифаларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Ушбу

---

[1] Практические рекомендации Американского Общества Эндокринологов, 2008, 32 С

[2] Aranda G, Careaga M, Hanzu FA et all/Accuracy of immunoassay and mass spectrometry urinary free cortisol in the diagnosis of Cushing's syndrome. //Pituitary, 2016

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида Кушинг касаллигини даволашни юқори босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали эндокринологик касалликларни камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[4]. КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторингини амалга оширишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Massachusetts, National Institutes of Health (АҚШ) Oxford Centre for Diabetes, University of Oxford (Англия, Буюк Британия), (University of Sao Paulo (Бразилия); Marshall University (West Virginia); Bilim University (Туркия); Mahidol University (Таиланд); Endocrinology Department of Johns Hopkins Hospital (Мариленд, АҚШ), Endocrinology Department of Sachsenhausen Hospital (Франкфурт, Германия), Tel Aviv University (Исроил); Фанлар академияси Эндокринология илмий маркази (Москва, Россия), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббий текширув маркази (Санкт-Петербург, Россия), академик Е.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий эндокринология маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинг қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кортизолнинг етарли даражадаги миқдори ва унинг қон, сийдик ва сўлакдаги етарли даражадаги миқдорининг Кушинг касаллигини даволашда тутган ўрни асосланган (University of Massachusetts, АҚШ); болалар орасида Кушинг касаллигини даволашда транссфеноидал хирургик амалиётининг самараси ва асоратларининг пасайиши исботланган (Bilim University, Туркия); кўп сонли миеломалар, яширин адреналин синдромининг, адренокортикотроп гормонларининг бирламчи ассоциацияси КС ривожланишдаги ўрни исботланган (Mahidol University, Таиланд); гипофиз аденомаси натижасида

[4]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.iso.nbu.edu.cn; www.english.tau.ac.il; www.istanbulbilim.edu.tr; www.massachusetts.edu; www.mahidol.ac.th; www.english.tau.ac.il; www.marshall.edu; www.nih.gov; www.usp.br; www.uhn.ca; www.unc.edu; www.uh.edu; www.niddk.nih.gov; www.wisc.edu; www.jcu.cz;www.meduniwien.ac.at/web/;www.usp.br; www.endocrincentr.ru/; med.uz/endocrinology ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

ривожланган Кушинг касаллигининг буйрак усти бези гормонларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган КС клиник белгиларнинг фарқли хусусиятлари исботланган (Tel Aviv University, Исроил); КС касаллигида дексаметазон юборилишидан олдин даврий равишда кортизол миқдорини сийдик ва сўлакда аниқлаш орқали ташхислаш ва белгиларнинг бошқарилишининг замонавий тизими ишлаб чиқилган (National Institutes of Health, АҚШ); феохромацитома натижасида адренокортикотроп гормони миқдорининг ўзгариши натижасида КС оғир асоратлари юзага келиши исботланган (Marshall University, West Virginia); глюкокортикоидлар циркад тизимининг бузилиши натижасида Кушинг касаллигининг ривожланишини исботланган (University of Sao Paulo, Бразилия); глюкокортикоидаларнинг аутоиммун тизими касалликларини даволашда кенг тарзда қўлланиши КС ривожланишдаги ўрни исботланган (National Institutes of Health, АҚШ); КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги тизими яратилган (Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: КС ташхисланган беморларининг миллий регистрини ишлаб чиқиш ва минтақада касалликни олдини олиш тизимини асослаш; КС медикаментоз, нур ва жарроҳлик йўли билан даволаш тадбирларининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ўрнини асослаш; КС даволашнинг қониқарсиз натижаларининг асоратларини асослаш; касаллик ва ўлим ҳолатининг хавф омилларининг интеграл тизими оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, артериал гипертония (АГ) беморларининг 4% буйрак усти безларида патологиялари мавжуд. Россиянинг ўзида 18 ёшдан катта шахслар орасида АГ 42 млн аҳолида кузатилган ва энг кўп тарқалган касаллик АГ синдроми қайд этилган. Адабиётларда КС регистрига бағишланган илмий мақолалар саноқли (Valassi E., Santos A., Yaneva M. ва б., 2017). КС Европа Регистри (EURCUSYN)га кўра, 2011 йилда маълумотлар базасида дунёнинг 23 мамлакатининг 63 марказидан тўпланган, 2000 йилдан бошлаб 481 нафар бемор қайд этилган, улардан 390 нафари аёллар ва 91 нафари эркакларга тўғри келган: АКТГ-БКС (66%), АКТГ-боглик бўлмаган КС (АКТГ-ББКС) (27%), АКТГ-эктопирланган КС (АКТГ-ЭКС) (5%) ва бошқа этиологияли КС (2%). КС этиологиясининг гетерогенлиги, гуруҳларда гирсутизм, умуртқа остеопорози, синишлар, кандли диабет 2 тур (ҚД2), тери симптомлари, менструал цикл бузилиши (МЦБ), либидо пасайиши ва семизлик каби кўрсаткичларнинг фарқлари ўрганилган. Дастлабки натижалардан қатъи назар, барча тадқиқотларнинг қайталаниш хавфи катта эканини ва кўп йиллар давомида сақланиб туриши мумкинлигини кўрсатди (Рубайлова Н. Ю. 2005; Ребров В.В., 2006; Martinez R et all, 2008). Йил сайин миллион аҳоли орасида КС тарқалганлиги 2-3 ҳолатга тенг бўлиб, улардан адренал аденома миллионга 0,6 ҳолатни ташкил этади ва КСнинг бу шакли камдан кам учрайди, аммо АКТГ БКС ва КСнинг энг кўп учрайдиган сабабли, аёллар

ва эркакларда касаллик муносабати 3:1 га тўғри келади. Тўпланган тажриба кўп ҳолларда субклиник Кушинг синдромини (СКС) буйрак усти безлари инцеденталомасида тахмин қилиш мавжуд. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, КС манифести ўлим ҳолати юқори бўлган жиддий касаллик бўлиб, ҳар бир вазиятда беморга зудлик билан даволаш тадбирлари зарур. Бундан ташқари, индивидуал зарурий даволаш услубини танлаш ва метаболик ва нейроэндокрин асоратларнинг олдини олиш сифатида беморнинг ҳолатини босқичма-босқич аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон бугунги кунда нейроэндокрин касалликларни ташхислаш ва даволаш борасида самарали ишлари бажарилган ва бажарилмоқда (Ҳалимова З.Ю., 2000, 2017, 2018; Ўрманова Ю.М., 2015); нейроэндокрин касалликларни жарроҳлик амалиёти бўйича (Мелькишев В.Ф., Конов Б.В., Тиглиев Г.С. 1989; Махкамов К.Э., Азизов М.М., 2009, 2014). Кортизол ва адрнокортикотроп гормонларнинг патологик ажарилиши натижасида юзага келадиган ва ривожланадиган КС хасталигини ташхислаш, самарали даволаш тизими яратилмаганлиги дисссертация тадқиқотининг долзарблигини кўрсатади.

Адабиётларда АКТГ-БКСнинг бошқа даволаш услублари (нур терапияси, консерватив усул, кортикотропинома жарроҳликдан кейинги қайталанишини башоратлаш усулларини излаш) билан қиёслама мезон орқали жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарасини баҳолашга қаратилган нашрлар жуда кам. Шунингдек, хавф гурухларида КС ўтказилиши ҳам камсонли, КС регистрлари маълумотларининг таҳлили бўйича ишлар деярли йўқ. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Узбекистонда КС бўйича эпидемиологик тадқиқотлар ҳозиргача ўтказилмаган. Шу тариқа, юқорида айтилганлар ҳамда ногиронлик даражаси, беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлик муддатлари ҳақидаги маълумотлар етарли миқдорда эмас. Бундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, соҳадаги тадқиқотлар ва хусусан, мазкур иш беморлар реабилитацияси ва уларнинг тўлақонли ҳаёт тарзига қайтишлари масаласини ҳал қилиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.12.3 рақамли «Ўзбекистон Республикасида Кушинг синдромини эрта ташхислаш усуллари ва даволашнинг юқори технологияли услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2009–2011) грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда КС беморларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КС беморлари регистрини ишлаб чиқиш ва минтақа бўйлаб мазкур касалликнинг тарқалганлигини баҳолаш;

КС этиологиясига боғлиқ равишда ташхислашнинг мавжуд усуллари самарадорлигини баҳолаш;

КС эрта аниқлашда скрининг услубларининг аҳамиятини баҳолаш;

КС медикаментоз, нур ва жарроҳлик йўли билан даволаш тадбирларининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш;

мамлакатимиз бўйича ўлим ҳолатлари сабаблари ва КСни даволашнинг қониқарсиз натижаларининг таҳлилини баҳолаш;

КС турли шаклларида касаллик ремиссияси ва қайталанишининг предиктор-омилларини баҳолаш;

касаллик ва ўлим ҳолатининг хавф омилларини интеграл баҳолаш;

КС беморлари мониторингининг кўп омилли таҳлили ва оптимизацияси асосида касаллик якунларини башоратлаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000-2018 йилларда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий–амалий тиббиёт марказида текширилган ва даволанган беморларнинг регистр натижаси КС 264 нафар киши, уларда 182 нафари (68,9%) аёллар, 82 нафари (31,1%) эркак ва мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб ҳисобда турган беморларнинг ҳар йилги мониторинг ва ретроспектив маълумотлар олинган. Хавф гуруҳлари ичида субклиник КС аниқлаш бўйича скрининг текширувлари республикамизнинг учта вилоятда (Наманган, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари) ўтказилди. Бунда ялпи текширув усули билан 21990 нафар киши кўрилди, улардан 2185 (10,1%) нафари КСни фенотипик белгилари мавжуд хавф гуруҳи ажратилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторингини олиб бориш мақсадида эндоген гиперкортицизм даражасини баҳолаш учун сўлак, сийдик, қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал тестлар, клиник, биокимёвий, везуализацион, нейтроофтальмологик, рентгенологик, визуализацион, абсорбцион денситометрия ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мамлакатимизда КС ва унинг турли шаклларининг аҳоли орасида эпидемиологик тарқалишининг клиник хусусиятлари, касалланиш ва хасталанганларнинг ўлим даражасининг кўрсаткичлари асосий белгилари тавсифланган;

КС этиологияси асосий демографик, антропометрик, биокимёвий, гормонал, визуализацион, клиник тавсифлари бўлган беморлари ҳақидаги объектив тизими ишлаб чиқилган;

илк бор КС касаллик ремиссияси, қайталаниши ва ўлимга олиб келувчи ҳолатларининг предикторлари исботланган;

хавф омиллари шкаласи ва касалликнинг турли шаклларида касаллик якунларини башоратлаш, даволаш услубларини танлаш ва асоратлар профилактикасининг оптимал тактикасини ишлаб чиқилган;

Кушинг синдроми беморлар миллий маълумотлар базасини яратиш асосида кенг проспектив материалда клиник симптомлар сони, даволаш натижалари самарадорлигини юқори технологик гипофиз транссфеноидал аденомаэктомиянинг турли асоратлари сони ва даражаси асосланган;

илк бора мамлакатимизнинг уч ҳудудида субклиник КС скринингги ташкиллаштирилган ва унинг натижасида хавф гуруҳлари, касалликнинг фаол шакллари эрта ташхислаш ва КСнинг эҳтимолий ташхисланмаган ҳолатларини башоратлаш тизими яратилган;

биринчи марта СКС ва КС ни эрта ташхислаш учун сўлакда кортизолни инвазив бўлмаган, СК референс кўрсаткичлари ва қон плазмасида кортизол ва кунлик сийдикда кортизол баҳолашнинг тизимли усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

КС бўйича миллий маълумотлар базасининг яратилиши касалликнинг барча босқичлари, биринчи симптомлардан бошлаб касалликнинг узоқ муддатли тадқиқотларигача бўлган босқичлар ҳақида тўлиқ маълумот олишга ва беморлар ҳолатининг кейинги мониторингини амалга оширишга имкон берган;

КС турли шаклларида клиник, гормонал, визуализацион маълумотлар барча коморбид ҳолатларни эрта ва ўз вақтида ташхислашнинг яхшиланишига ёрдам берган ва шифокорларга касалликнинг турли кўринишларини кўриб чиқиш ва даволашга имкон яратган;

омил юкламаси ва КСда ўлим ҳолати хавфининг эҳтимолий даражаси бўйича ишлаб чиқилган шкаласи касалликнинг нохуш якунларини асоратларнинг олдини олишда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва ўлим ҳолатларини ривожланиш даражасини пасайтириш йўли орқали олдини олишга ёрдам бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усуллларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган анкеталаш, клиник, эпидемиологик, клиник-лаборатор ва статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторингини баҳолашда ўта хусусиятли қонуниятлар асосида турли усулларни қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда ўсма олиб ташлангандан сўнг, гипофиз нур билан даволашдан сўнг, КС рецидивига таъсир қилувчи хавф омиллари аниқланди. Хавф гуруҳидаги беморларда КС ва унинг ривожланиши хавф омилларининг аниқланган тарқалганлиги мақсадга йўналтирилган профилактик тадбирларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади, бу тадбирлар ушбу тоифа беморларини фаол аниқлаш ва уларга ўз вақтида ёрдам беришга шароит яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хавф гуруҳида семизлик, поликистозли тухумдонлар синдроми (ПКТС), аретиал гипертензия (АГ), ҚД2 турида КСни эрта ташхислашнинг мавжуд услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда қўллаш имкониятидан иборат. КСнинг бошқа шаклларини даволаш усуллари билан қиёслаганда, АКТГ-БКСда гипофиз трансфеноидеал аденомэктомияси (ГТА)

ва АКТГ-ББКСда адреналэктомиянинг (АЭ) ишончли самарадорлиги тасдиқланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эндоген Кушинг синдроми: мониторинг ва даволаш масалалари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг2018 йил 5 апрелдаги 8н-д/74–сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамалакатимиз аҳолисни орасида КС билан хасталанган беморларнинг касалликни ташхислаш ва даволаш тизимини ташкиллаштириш, эрта ташхислаш ва замонавий даволаш усулларни татбиқ қилиш имконини берган.

«Кушинг синдромини эрта ташхислаш: скрининг масаласи» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 8н-д/74–сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма КС билан хасталанган беморларда касаллик эрта ташхислашда скрининг тизимини барча вилоятларидаги эндокринологик диспансерларда татбиқ этишнинг замонавий тизимини яратиш имконини берган.

КС эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги асосида беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Наманган, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари эндокринология диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 8н–з/220-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш КС билан хасталанган беморлар мониторингини олиб бориш, касалликни эрта ташхислашда скрининг тизимини жорий қилиш, касалликни даволашда самарали ва сифатли тизимни яратиш ва ногиронликнинг олдини олиш, ўлим даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар, рўйхатидан ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 252 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида КСнинг жаҳонда эпидемиологик тадқиқотлари мезонлари, унинг скрининги, клиникаси, ташхиси ва даволаши, унинг асоратлари ва ўлимга олиб келувчи ҳолатлар таҳлил қилинган. Қўйилган вазифага боғлиқ равишда турли муаллифларнинг натижалари танқидий таҳлил қилинди, ЎзР шароитида ҳал этилиши талаб этилаётган масалалар аниқланди, бунда ўрганилаётган муаммо бўйича трайл ва кўп марказли тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ЎзР бўйича КС регистри, скрининги маълумотлари ва КС эпидемиологияси, ташхисоти, даволаш ва мониторинги бўйича тадқиқотларининг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот услублари, замонавий статистик услублари ҳақида маълулмот келтирилган.

Тадқиқот объектлари сифатида Эндокринология РИИАТМда 2000 йилдан 2018 йилгача текширилган ва даволанган беморларнинг маълумотлари, шунингдек, ташкил этилган ва ўтказилган КС беморларининг регистри ва мамлакатимиз ҳудудларида қайд этилган беморлар аҳволи мониторингининг ҳар йилги маълумотлари қабул қилинди. Тадқиқот маълумотларига кўра, 2000 йилдан 2018 йил апрель ойига қадар 264 нафар бемор қайд этилди, улардан 182 нафари (68,9%) аёллар, 82 нафари (31,1%) эркаклардир. Беморларнинг касаллик манифестациясидаги ўртача ёши эркакларда 26,38±3,4 ёшга, аёлларда 27,58±3,4 ёшга тўғри келди. Болалар ва ўсмирлар 43(16,3%)та ҳолатда кузатилди, бундан 19 нафар ўғил ва 24 нафари қиз болалар. Катта ёшдаги беморлар ҳам 221(83,7%) нафарни ташкил этди ва уларнинг барчаси меҳнатга лаёқатли ёшда 8 ойдан то 49 ёшгача ташкил этдилар. Касаллик давомийлиги 4 ойдан 25 йилгача тўғри келди. Текширилган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши 1-жадвалда кўрсатилган. Этиологик омил бўйича беморлар 3 та асосий гуруҳга тақсимланди: 1-гуруҳ АКТГ-БКС беморлари - 219 (82,9%) нафар бемор, 2 гуруҳ АКТГ-ББКС 41(15,5%) нафар ва АКТГ-ЭКС 4 (1,5%) нафар бемордан иборат.

АКТГ-БКСни даволаш усуллари жарроҳлик ГТА, АЭ, АКТГ эктопирланган ўчоқларни жарроҳлик йўли билан даволаш), нур терапияси

(НТ) ва медикаментоз терапия (МТ)дан иборат. АКТГ–БКС даволанган беморлари таҳлилига кўра, 111(49,8%)нафар беморлар монотерапия кўринишида даволанган, 112(50,2%) нафари эса аралаш турда даволанган. ЎзР бўйича АКТГ-БКС ҳолатларининг таҳлили 223 нафар бемордан 173 (77,6%) нафари жарроҳлик амалиёти орқали даволанган, шундан 116 та (67,1%) бемор ГТА, 53 (30,6%) нафари АЭ, 4 (2,3%) нафар беморда эса жигар, қалқонсимон без, ўпка, кокс оралиги АКТГ ишлаб чиқарган ўсмалари жарроҳлик йўли билан олинган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши (ЖССТ га кўра, 2007 йил)

Ёш	Эркаклар n=82 (31%)	Аёллар n=182 (69%)	Жами n= 264 (100%)
гўдаклик даври 1–3 ёш	1 (1,2%)	1 (0,5%)	2 (0,8%)
болалик даври 4–7 ёш	-	2 (1,1%)	2 (0,8%)
8–12 ёш	7 (8,5%)	7 (3,8%)	14 (5,3%)
ўсмирлик даври 12–16 ёш	11 (13,4%)	14 (7,7%)	25 (9,5%)
балоғат даври 17–-21 ёш	14 (17%)	26 (14,3%)	40 (15,2%)
22–29	27 (33%)	52 (28,6%)	79 (30%)
30–44	21 (25,6%)	66 (36,3%)	87 (33%)
45–59	1 (1,2%)	14 (7,7%)	15 (5,7%)
60–74	-	-	-
75 ва ундан катта	-	-	-

ГТА монотерапия сифатида 39(33,6%) нафар беморда, АЭ ва МТ билан биргаликда 74(63,8%) нафар беморда, 3(2,6%) нафар беморда эса гипофиз транскраниал аденомэктомия (ГТКАЭ) аралаш терапия билан бирга ўтказилди. Улардан 13(11,2%) нафар беморларда қайталаниш туфайли ГТА усули бўйича қайта жарроҳлик амалга оширилди. АЭ 53(23,8%)нафар беморда, 39(73,6%) нафар беморда бир томонлама, 14(26,4%) нафар беморда икки томонлама, улардан 43(81,1%) нафарида бошқа усуллар билан биргаликда ўтказилган. НТ 13(5,8%) нафар беморда, монотерапия сифатида 3 (23,1%) нафар беморда, аралаш терапия кўринишида 10(76,9%) нафар беморда ўтказилди. МТ жами 160 (71,7%) нафар беморда ва 58(36,3%) нафар беморда монотерапия кўринишида, 102 (63,7%) нафар беморда қўшимча сифатда бошқа услублар қўлланилди. АКТГ-ББКСнинг ягона даволаш услуби АЭ йўли орқали буйрак усти бези усмаси олиб ташлаш жарроҳлик амалиётидан иборат бўлди, бу амалиёт 40 нафар беморда ўтказилди.

ЖССТ ва Америка Эндокринологлари Ассоциацияси тавсияларига кўра (2008) ЎзРнинг уч ҳудудида босқичма-босқич тарзда КС бўйича скрининг текширув (СТ) ўтказилди. Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида жами 21990 нафар аҳолида СТ амалга оширилди, улардан 2185 нафар

беморлар танлаб олинди,шулардан 639 (29,2%) нафари эркаклар, 1546 (70,7 %) нафари аёллардан иборат.

Биринчи босқичда маълум корхона, колледжлардан хавф гурухи иштирокчилар танлаб олинди, уларга сўровнома тўлдирилди, мазкур шахслар шифокор-эндокринолог томонидан текширилди. Шикоятлар, анамнез ва объектив симптомлар, антропометрия, шунингдек, субклиник кушинг синдроми (СКС) бўлган хавф гуруҳи шахсларидан сўлак кортизоли (СК) махсус контейнерларга олинди (Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари) ва сийдик суткалик кортизоли (ССК) (Наманган вилояти).

КС эрта босқичларини аниқлаш учун қуйидаги хавф омиллари бўлган шахслар гуруҳига эътибор қаратмоқ зарур: ПКТС, бепуштлик ҳамда гирсутизм билан семизлик, назоратсиз ҚД 2 тури ва АГ. КС бўйича хавф гуруҳи уч ва ундан ортиқ хавф омили бўлган ҳолат асосида тузилди. Хавф гуруҳидаги СК 4,2 нг/мл миқдори ошган ва ССК 203 нмоль/л бўлган 67 нафар шахсларда КС турли шаклларини ташхислаш ва дифференциал ташхислаш учун РИИАТМ шароитида тўлиқ клиник-гормонал, ускунали, визуализацион тадқиқотлар ўтказилди. Қонда кортизол (ҚК) миқдори ошишини аниқлашда ҳалқаро стандартларга мувофиқ КС текширув стандартлари бўйича тадқиқотлар тавсия этилди.

ХГда ҚК қайта тадқиқотларида (61нафар бемор) ўзгаришлар кузатилмаган ҳолда, диспансер ҳисобига олинди ва улар йилига икки марта текширилди. Демак, халқаро тавсиялар (2008) ва қўйилган вазифаларга кўра сўлак/сийдикда кортизол миқдори текширилди.

Клиник-биокимёвий, гормонал (ССК, СК, ҚК), функционал тестлар (кичик ва катта дексаметазон синамаси, кортизол секрецияси ритми) ҳамда ускунали (нейроофтальмологик, рентгенологик–гипофиз МРТси, буйрак усти безлари МСКТ, рентгенологик абсорбцион денситометрия ва статистик тадқиқотлар услублари) ўтказилди. Статистик ўлчовлар Microsoft Windows дастурида Microsoft Excel-2007 ва Statistica version 6.0, 2003 дастурий пакетларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилди. Олинган натижалар диссертацияда M±m кўринишида келтирилган, M – вариацион қаторнинг ўртача кўрсаткичи, m – ўртача аҳамиятли стандарт хато. Эркин танламалар орасидаги ишончли фарқланиш Манна-Уитни ва Стьюдент услуби бўйича аниқланди, динамикани баҳолашда Вилкоксон мезони қўлланилди. Эркин танламалар орасидаги корреляцион алоқа (r) Спирмен услуби орқали аниқланди. *Имконлар муносабати (OR, odds ratio)*—бу кенг қўлланиладиган статистик кўрсаткич бўлиб, эпидемиологик тадқиқотларда хавф омиллари таъсирлари частотасини қиёслаш имконини беради, у ҳам ишда қўлланилди. Имкон муносабати мазкур хавф омилининг икки гуруҳ шахсларига таъсирининг ретроспектив қиёсланиши ҳисобланади. Икки ўзгарувчи орасидаги алоқани ўлчаш учун қўлланилган имконлар муносабати ва нисбий хавф ***Crosstabs*** муолажаси ёрдамида ўлчанди. Шу билан бирга, математик-статистик таҳлилнинг яна бир услуби қўлланилди–бу тизимли башоратлаш бўлиб, унинг ёрдамида прогностик жадвалларни қиёслаш орқали КС беморларида қайталанишлар ривожланиши ва ўлим ҳолати хавфи даражаси

аниқланди. Бу услубиёт мазкур ишда КСнинг турли этиологик шаклларидаги ремиссия предикторларининг ўзига хослигини қиёсий баҳолаш учун, АКТГ БКС беморларида рецидив ривожланиши хавф омилларини аниқлаш учун, шунингдек, КС да летал якун эҳтимоли даражасини аниқлаш учун қўлланилди.

Диссертациянинг **«Регистр маълумотларига кўра мамлакатимизда Кушинг синдромининг тарқалганлиги»** деб номланган учинчи бобида КС беморларининг регистри бўйича ўтказилган таҳлил натижалари келтирилган. Қўйилган вазифаларга кўра, ЎзРда КС тарқалганлигини аниқлаш тадқиқоти 2012 йилдан буён мавжуд бўлган беморлар регистрини фаол аниқлаш асосида ўтказилди. Этиологик омил бўйича беморлар 3 асосий гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – АКТГ-БКС беморлари 219 (82,9%), 2 гуруҳ–АКТГ-ББКС беморлари 41 (15,5%) ҳолат ва 4 (1,5%) нафар АКТГ-ЭКС (2-жадвал).

2-жадвал

Кушинг синдромининг этиологик таснифи

ЎзР бўйича эндоген КС (264 бем.)	
АКТГ - БКС 84,5% (223 бем.)	**АКТГ – ББКС 15,5% (41 бем.)**
АКТГ боғлиқ гипофизар этиология 98,2% (219 бем.)	кортикостеромалар 90,2% (37 бем.)
АКТГ ЭКС 1,8% (4 бем.)	адренал карцинома 4,9% (2 бем.)
	макронодуляр гиперплазия 4,9% (2 бем.)

2002 йилдан 2017 йилгача 33(12,5%) КС беморларида ўлим ҳолати қайд этилган, жумладан 29(87,9%) та АКТГ-БКС ва 4(12,1%) АКТГ-ББКС ҳолатлари. Ўлим ҳолатларига асосан СКС 18(54,5%) ҳолатда, ҚД 2 тури йирингли асоратлари 9 (27,3%)ҳолатда кузатилган. 3-жадвалда ЎзР бўйича КС беморларининг 2018 йил апрель ойи ҳолатига кўра регистр натижалари келтирилган.

3-жадвал

КС беморларининг 2018 йил апрел ойига кўра регистри натижалари

Жами Ум (э:а) 01.04.18	**АКТГ боғлиқ шакли**	**АКТГ боғлиқ бўлмаган шакли**	**АКТГ эктопирланган КС**
231 (68:163)	Умум (э:а)	Умум (э:а)	Умум (э:а)
	190 (60:130)	37 (7:30)	4 (1:3)

Мамлакатимиз аҳолиси 2017 йил 1 августида 32345000 млн га тенг эди. 13та вилоят ва Тошкент шаҳрида ўтказилган КС мониторинги ва регистрига кўра, 01 апрель 2018 йилда эндоген КС беморлари 231 нафарни ташкил этган, шундан 163(70,6%) нафари аёллар ва 68(29,4%) нафари эркакларга тўғри келган.

Айрим вилоятларда КС регистри натижалари тарқалганлик бўйича паст кўрсаткичлар кузатилди–100000 аҳолига 0,3–0,6 ҳолат, бу кўрсаткич адабиёт маълумотларидан 10 мартага паст ва 1000 га яқин беморлар ташхисланмаган (4-жадвал).

4-жадвал

Кушинг синдромининг гендер хусусиятлари (10000 минг аҳолига)

Ҳудудлар (аҳоли сони, минг)	Жами (э:а) 01.04.18	Касалланиш сони	АКТГ-БКС	АКТГ-ББ КС	АКТГ-ЭСК
			Умум (э:а)	Умум (э:а)	Умум (э:а)
Сурхондарё (2.462.3 минг)	14 (6:8)	0,57	12 (7:5)	2 (1:1)	-
Қашқадарё (3.088.8 минг)	15 (4:11)	0,49	14 (4:9)	1 (жен)	1 (аёл)
Бухоро (1.843.5 минг)	17 (9:8)	0,92	14 (8:6)	1(жен)	2 (1:1)
Самарқанд (3.651.7 минг)	20 (6:14)	0,55	14 (5:9)	6 (1:5)	-
Наманган(2.652.4 минг)	28 (10:18)	1,06	24 (9:15)	3 (1:2)	1(аёл)
Андижан (2.962.5 минг)	19 (3:16)	0,64	11 (2:9)	8 (1:7)	-
ҚР (1.817.5 минг)	8 (4:4)	0,44	6 (4:2)	2 (0:2)	-
Фарғона (3.564.8 минг)	15(3:12)	0,42	13 (2:11)	2 (1:1)	-
Жиззах (1.301 минг)	3(0:3)	0,23	2 (0:2)	1 (0:1)	
Навоий (942.8 минг)	-	-	-	-	-
Сирдарё (803.1 минг)	8(2:6)	1,00	6 (1:5)	2 (1:1)	
Тошкент вилояти (2.829.3 минг)	38(8:30)	1,66	36 (8:28)	2 (0:2)	
Хоразм (1.776.7 минг)	7(1:6)	0,39	7(1:6)	-	-
Тошкент (2.424.1 минг)	38(12:26)	1,57	31(11:20)	7(1:6)	-
Жами	231(68:163)	0,68	190(60:130)	37 (7:30)	4(1:3)

Эслатма: э:а – эркаклар ва аёллар, абсолют рақамлар

4-жадвалдан кўриниб турибдики, КС кўпроқ Тошкент шаҳрида (1,57), Тошкент вилоятида (1,66), Наманган вилоятида (1,06) 100 минг аҳолига нисбатан тўғри келган. Энг кичик кўрсаткичлар Жиззах (0,23), Хоразм (0,39), Фарғона(0,42), Қорақалпоғистон Республикасида (0,45) кузатилган. ЎзР ҳудудларида КС учрашининг бундай номутаносиб ўлчамлари беморларни аниқлашнинг сустлиги билан тушунтирилади.

Кейинги навбатда ЎзР бўйича КС беморларининг башоратланаётган миқдори ўрганилди (5-жадвал).

ЎзР бўйича умумий 1264 нфар КС беморлари бўлиши керак, улардан фақат 264 нафари аниқланди, яъни 5 бемордан фақат 1 таси ташхисланган. Айнан 1000 нафар КС беморлари оғир асоратлар ривожланиши ва юқори ногиронлик ва ўлим даражасининг хавфи остида турибдилар.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича Кшинг синдроми беморларининг башоратланаётган миқдори

Ҳудудлар	Жами рўйхатда	100 минг аҳолига касалланиш сони	Жами бўлиши керак	100 минг аҳолига касалланишнинг эҳтимолий сони
Сурхондарё 2.462.300 млн. аҳоли	14	0,57	98	3,95
Қашқадарё 3.088.800 млн. аҳоли	15	0,49	124	3,95
Бухоро 1.843.500 млн. аҳоли	17	0,92	74	3,97
Самарканд 3.651.700 мл. аҳоли	20	0,55	146	3,98
Наманган 2.652.400 млн. аҳоли	28	1,06	106	3,96
Андижон 2.962.500 млн. аҳоли	19	0,64	119	3,96
Қорақалпоғистон Республикаси 1.817.500 млн. аҳоли	8	0,44	73	3,97
Фарғона 3.564.800 млн. аҳоли	15	0,42	143	3,97
Жиззах 1.301.000 млн. аҳоли	3	0,23	52	3,98
Навоий 942.8 минг аҳоли	-	-	38	3.91
Сирдарё 803.1 минг аҳоли	8	1,00	32	3,97
Тошкент вил. 2.282.930 млн. аҳоли	38	1,66	91	3,21
Хоразм 1.778.704 млн. аҳоли	7	0,39	71	3,93
Тошкент шаҳри 2.424.100 млн. аҳоли	38	1,57	97	4,12
Жами (абс)	231	0,68	1264	3.95

Адабиётлардаги маълумотига кўра, КС бўйича касалланиш ўрта ҳисобда миллион аҳолига 40 нафар одамга, бизнинг маълумотларимиўга кўра эса миллион аҳолига 7,3 нафар одамга тўғри келмоқда. Касалланиш частотаси бугунги кунда 100 минг аҳолига 0,68 нафар одамга тўғри келмоқда, башоратлаш бўйича эса 100 минг аҳолига 3,98 одамга тўғри келиши керак. Бу каби эпидемиологик вазият мутахассислар олдига жиддий вазифаларни қўймоқда, негаки, ҳар йили 90 та янги касалланиш ҳолатидан 4/5 қисми (72 бемор) ногиронликка маҳкум бўладилар.

Кейинги навбатда КСнинг кеч қолган ташхисоти сабабларини аниқлаш учун биз томонимиздан ташхисни кечга қолишига олиб келган омилларни таҳлил қилдик. Натижалар шуни кўрсатдики, 35,2% (93) беморда касаллик

касалланишнинг биринчи йилида аниқланган, 41,3% (109) беморда 1-3 йил ва 23,5% (62) нафарида 3 йилдан кўп вақтдан кейин аниқланган.

6-жадвал

Манифест даврида Кушинг синдромининг янглиш ташхисланиши сони

Мутахассислар	АКТГ – БКС авс (%)	АКТГ –ББКС авс (%)	АКТГ- ЭСК авс (%)	Жами Авс (%)
кардиолог	34 (15,5%)	11 (26,8%)	1 (25%)	46 (17,4%)
невропатолог	4 (1,8%)	1 (2,4%)		5 (1,9%)
терапевт	91 (41,6%)	12 (29,3%)		103 (39%)
педиатр	6 (2,7%)	1 (2,4%)		7 (2,7%)
гинеколог	39 (17,8%)	8 (19,5%)	2 (50%)	49 (18,6%)
травматолог	3 (1,4%)	-		3 (1,1%)
кожвенеролог-дерматолог	4 (1,8%)	-	1 (25%)	5 (1,9%)
аллерголог	1 (0,5%)	-		1 (0,4%)
уролог	5 (2,3%)	1 (2,4%)	1 (25%)	7 (2,7%)
нефролог	3 (1,4%)	-		3 (1,1%)

Бунда 64,8% КС беморлари (171 бемор) турли соҳа мутахассисларида семизлик, acne vulgaris, остеопороз, АГ, МЦБ ва ҳ. каби ташхис бўйича номуносиб, специфик бўлмаган терапия олганлар (6-жадвал), бу ҳолат бемор аҳволини янада оғирлаштирган ва бу беморлар популяцияси орасида турли асоратлар ривожланиши ва ўлим эҳтимолига сабаб бўлган.

КС манифестидан аввал пайдо бўлган хавф омилларининг таҳлили стресс вазиятларининг етакчи ўринда эканлигини кўрсатди (38,3%), ҳамда бош мия чайкалиши (7,6%), ҳомиладорлик (6,1%) ва инфекцион касалликлар ва жарроҳлик амалиётлари 3,4% дан тўғри келди. Туғруқлар (2,3%), гепатит (1%), абортлар (0,38%) ва қон кетишлар (0,76%)нинг қисман иштироки аҳамиятли равишда паст бўлди.

Беморлар ҳаёти анамнез бўйича оғирлашишини ўрганиш натижасида 8 нафар беморда (3%) ҚД 2 тури бўйича наслийлик, 16 (6,1%) беморда ҚД 2 тури АГ билан уйғунликда вазият оғирлашган, бунда 31 (11,7%) нафар беморда наслида семизлик борлиги аниқланди. Шуни айтиш керакки, кўпгина беморлардан 28%ида касаллик манифестининг эндокрин «ниқоблар»и ПКТС, АГ ва семизлик кўринишида КС патогномоник симптомларисиз мавжуд бўлган, бу эса касалликни эрта босқичларда ташхислашда қийинчилик келтирган.

КС беморларини бирламчи ташхислаш даврида остеопороз 58,3%, стероид миопатия 43,9%, ГНБ 33,7%, иккиламчи аменорея 20,5%, ҚД 2 тур 32,6% рақамлар билан устувор бўлдилар. Бунда стероид миопатия ва НТГ АКТГ- ББКС беморларида ишончли кўп ҳолларда учраган (51,2% ва 26,8% АКТГ-БКСнинг 41,55±3,34 ва 17,35±2,56 кўрсаткичига қарши), бу КС ташхисоти кейинга қолдирилиши ва оғир асоратлар ривожланишига ишора қилади.

10-40% ҳолларда учрайдиган углевод алмашинуви ҳолатини баҳолаш КСда муҳим тадқиқот ҳисобланиб, улар касаллик якунларини оғирлаштиради (Fardet L1, Petersen I, Nazareth I., 2012). Ташхислаш вақтида КС 264 нафар

беморларидан 51,5% (136) беморда турли УАБ, улардан 4,5%и (12 бемор) ҚД бўйича даволаниб келганлар ва КС ташхиси қўйилмаган. Шуни айтиш керакки, ҚД 2 тур декомпенсацияси 23 АКТГ-БКС беморларида кузатилган, КС бошқа шакллари беморларида эса, субкомпенсацияланган углевод алмашинуви бузилишлари кузатилган. Ушбу вазият АКТГ-БКС беморларида касаллик ривожланиши нисбатан секин кечади ва узоқ вақт давомида КС ташхиси қўйилмайди, бу эса ҚД ривожланиши ва декомпенсациясига сабаб бўлади. Бу вақтда АКТГ-ББКС ва АКТГ-ЭКС беморларида касаллик манифестидан то ташхис қўйилгунига қадар бўлган 6 ой давр АКТГ-БКС нинг 2,5 йилига қарши белгиланган.

АКТГ-БКС беморларида касаллик ташхисланиши вақтида гормонал кўрсаткичлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: АКТГ 52,3 до 87,9 нг/мл дан иборат бўлди ва ўртача 64,2±2,99 нг/млга тенг бўлди ва аниқ АКТГ-БКС мавжудлигига ишора қилди. Шуни айтиш керакки, АКТГ миқдорининг ишончли аҳамиятли ($p < 0.01$) ошиши 4 нафар АКТГ-БКС беморларининг барчасида кузатилди (82,4±4,28), бу кўрсаткич АКТГ гиперсекрециясининг эктопик ўчоқларини излаш мақсадида қўшимча визуализацион услубларни ўтказиш заруриятини талаб этди. АКТГ-ББКС беморларида АКТГ миқдори меъёрий ёки паст даржада сақланиб қолди ва ўртача 24,1±7,27 нг/мл дан иборат бўлди. Ҳалқаро стандартларга мувофиқ, биз К ва ССК секрецияси ритмини текширдик. АКТГ-БКС беморларида, кортизол миқдорларининг аҳамиятли ошганлигига қарамай, унинг секрецияси ритми кун давомида сақланиб қолди, кечки вақтда эса пасайди. Бунда гиперкортицизмнинг буйрак усти бези ва эктопик шакли бўлган беморларида ритм бузилиши кортизол ишончли юқори миқдорларга эга бўлди, 18.00 да 1185±67,8 нмоль/л ва 1132±54,8 нмоль/л, 23.00 да 970,7±27,3 ва 1482±46,9 нмоль/л, мос равишда, гипофизар КСга нисбатан.

Ўтказилган ДСКН фонида АКТГ-БКС беморларида кортизол миқдори 61,3% га пасайди, АКТГ-ББЗС – 39,2% ва АКТГ-ЭСК 33,3% га пасайди, яъни сўнгги икки гуруҳ беморларида кортизол миқдорининг етарлича пасайиши кузатилмади, бу ҳолат кортизол ёки АКТГ гиперсекрециясининг автоном ўчоғи борлигидан дарак беради, биз бу гормонни излаш тадбирларини ишимизнинг кейинги босқичларидадавом эттирамиз.

Клиник протоколларга мувофиқ, КС ни ташхислашнинг кейинги босқичи АКТГ/кортизол гиперсекрецияси ўчоқларининг жойлашуви, топик ва дифференциал ташхислаш бўлди. КС топик ташхисланишининг муҳим усули нейровизуализация усули бўлиб, уларга МРТ ва МСКТ киради. ЎзР бўйича КС миллий регистри МРТ таҳлили натижаларига кўра, 264 нафар бемордан 219 (82,9%) та ҳолатда МРТ гипофизда патологик ўчоқни аниқлади. Улардан 88 ҳолат (40,2%)да пикоаденомалар, 54,8% (120 бемор) – гипофиз микроаденомаси, 2,3% (5 бемор) – макроаденомаси аниқланди. 17,1% (45 бемор) ҳолатда гипофизда меъёрдан оғишлар кузатилмади, бундан ташқари, 3 нафар (1,4%) беморда АКТГ-БКС аниқ клиник-гормонал белгилари бўлишига қарамай, гипофизда патолгия кузатилмади. Буйрак усти бези МСКТ си бўйича 186 (84,9%) АКТГ-БКС беморларида иккала буйрак

усти безларининг гиперплазияси, 20 (9,1%) беморда иккала буйрак усти безларининг тугунли гиперплазияси, 3 (1,4%) беморда инцеденталома, 7 (3,2%) беморда битта буйрак усти безининг тугунли гиперплазияси ва 3 (1,4%) беморда ўзгаришлар кузатилмади. АКТГ ББКС беморларида кортикостерома 37(90%) (чап томон – 27 (65,9%) ва ўнг томон – 10 (24,4%) беморда, адренал карцинома - 2 (4,9%) беморда, бир буйрак усти безининг тугунли гиперплазияси 2 (4,9%) беморда аниқланган. АКТГ-ЭКС беморларида – 4 та беморнинг барчасида кучли буйрак усти безлари гиперплазияси кузатилди. КС клиник сурати бўлган, МРТ да гипофизнинг меъёрий тавсифлари бўлган ва икки томонлама буйраклар усти безлари бўлган 4 нафар беморларда қорин соҳаси ва кўкрак қафаси МСКТ сида қуйидагилар аниқланди: ўпка, қалқонсимон без, жигар ва средостенияда янги ҳосил бўлган ўсмалар (бир ҳолатдан) аниқланди, улар даволаш учун онкологга юборилди.

Бемор аҳволи оғир ҳолатда, суяк тукимаси минерал етишмовчилиги (СТМЕ) асоратлар мавжудлигида КСнинг 227 (92,3%) вазиятида биз умуртқа ва сон бошчасини DEXA сканерлаш амалиётини ўтказилди. Бунда, остеопороз АКТГ-БКС беморларининг 59,82 % ида аниқланган, АКТГ- ББКС беморларида 51,22% кузатилган; Остеопения – АКТГ-БКС беморларининг 28,7 % ҳолатида, АКТГ-ББКС беморларида 31,7% учраган. КС беморларининг бундай СТМЕ да ўзгаришлари нафақат патологик синишларнинг юқори хавфини кўрсатади, балки касаллик ўз вақтида ташхисланмаганлиги, ремиссия даврининг йўқлигига ҳам ишора қилади. Бундан ташқари, СТМЕ ўзгаришлари КС шаклига боғлиқ бўлмаган равишда остеопороз ҳолатлари устувор кўринишдаги бир хил тенденциядан иборат бўлди. КС да ўлим ҳолати популяцияга нисбатан 4 баробар юқори, бу ҳолат КС асоратлари ривожланиши ва бу асоратлар глюкокортикоидлар ортиқча ишлаб чиқилишининг бевосита ва билвосита таъсири билан боғлиқ, шу сабабли КС ни тўхтатиш ва асоратларини олдини олишнинг энг биринчи чораси – бу гиперкортизолизмни коррекциялашдир (G. Arnaldi et all, 2003). Демак, биздаги маълумотларга кўра, КС нинг энг кўп учрайдиган асорати юрак-томир асоратлари (ЮТА) 82,2% беморда, АГ устуворлиги 54,3±3,07% ва КС шаклига боғлиқ бўлмаган. Бундан ташқари, хавфли АГ 14,4% ҳолат, МЎИ – 18 нафар беморда (6,8%), МҚАЎБ 9 нафар (3,4%), тромбоэмболия 8 (3,0%) нафар беморда кузатилган. СТМЕ бузилишлари, кам шикастли синишлар 87,9%, хусусан, остеопения - 29,55±2,81% ва остеопороз - 58,33±3,04% ҳолатда кузатилган. Репродуктив бузилишлар (РБ) умуман, 86% да учраган, шу жумладан, МЦБ (33,7%), аменорея (22,7%), аёлларда бепуштлик (11,9%), эркакларда жинсий заифлик (17,7%) га тўғри келди. Углевод алмашинув бузилиши (УАБ) (гликемиянинг нахордаги бузилиши (ГНБ), глюкозага тургунликнинг бузилиши (ГТБ), ҚД 2 тур) КС беморларининг ½ да - 51,5% (136 бемор)да кузатилган: ҚД 2 тур- 32,58±2,89%, ГТБ - 18,56±2,4%, ГНБ - 0,38±0,38% га тенг бўлди. Демак, КС беморларида асоратлар ривожланишининг юқори частотаси эрта ташхислашнинг мавжуд эмаслиги ва юқори хавф гуруҳларида СКС

беморларини аниқлашнинг сустлиги билан тушунтирилади, бу вазиятлар СТ ўтказиш ва ЎзР бўйича фаол аниқлаш учун асос бўлди. КС беморлари орасида коморбид ҳолатларнинг таҳлилига кўра, сурункали холецеститнинг юқори частотаси (57,2±3,05%), вирус этиологияси бўлмаган сурункали гепатит - 25,38±2,68%, сурункали панкреатит - 30,68±2,84%, анемия - 20,55±2,74% ва гипотиреоз - 13,64±2,12% да кузатилди, улар кўпроқ АКТГ-БКС да аниқланган. КС давомийлигига боғлиқ бўлган КС асоратларининг ривожланиши таҳлилига кўра, касаллик давомийлигига бевосита боғлиқлик аниқланди. Аниқланишича, асоратларнинг катта миқдори ва ишончли юқори сони АКТГ-ББКС га хос, бу вазият касалликнинг тезкор ва шиддатли кечиши билан тушунтирилади, бу маълумот адабиёт маълумотларига бирмунча зид бўлди. Касаллик муддати ошган сайин, ўлим якунларининг ҳам сони ошиб бормоқда. бир йилгача 18,18±6,82ни, 1-3 йилгача 33,33±8,33, 3 йилдан ошганларда 48,48±8,83ни ташкил қилди. Бундан ташқари, вафот этган беморларнинг катта қисми (27,3% ва 12,1%) бошқа мутахассисларда узоқ вақт давомида даволанган ва специфик бўлмаган терапия қабул қилган беморларга тўғри келди.

Вафот этган беморларнинг касалланиш таҳлилига кўра, тенг баробари эркаклар эканлигини кўрсатди(42,42±8,74%), бироқ касаллик манифестида беморларнинг жинси бўйича тақсимланишида аёллар устувор бўлган эдилар (p<0,01). АКТГ-БКС гуруҳида (87,9%) ўлим ҳолати АКТ-ББКС (12,1%) гуруҳига нисбатан юқорироқ бўлди. Вафот этган беморларнинг касаллик кечиши табиати ишончли равишда 87,9% (p<0,05)ҳолатда жадал кечган ва 12,1% (p<0,05) ҳолда торпид бўлган. Вафот этган беморларнинг клиникаси 63,64±8,5 (p<0,01) ҳолда кучлироқ ифодаланган ва 33,33±8,33% (p<0,001) ҳолда асоратли бўлган. Вафот этган беморлардан касалликнинг нофаол шакли 9,09±5,08% ҳолда кузатилган, кўпроқ касалликнинг фаол шакли 90,91±5,08% да кузатилган. Вафот этган беморларнинг даволашдан кейинги таҳлили 24,24±7,58% (p<0,001) вафот этган беморларда ижобий динамика кузатилган, 75,76±7,58% (p<0,001) вафот этган беморларда эса салбий динамика кузатилган. Вафот этган беморларнинг 24,24±7,58% (p<0,001) ремиссияга эришилмаган, 18,94±2,85% да қайталаниш ривожланган. Вафот этган КС беморларининг асоратлари таҳлили шуни кўрсатдики, хавфли АГ 60,61±8,64% (p<0,001) беморда аниқланган. Кардиоиопатия сони ҳам юқори бўлди - 63,64±8,5% (p<0,001). СТМЕ бузилиши ҳам 96,9% беморда кузатилган, шу жумладан, 9,09±5,08% (p<0,01) беморда остеопения ва 87,88±5,77% (p<0,001) беморда остеопороз аниқланган. КС беморлари асоратларининг энг оғирларидан бири УАБ бўлиб, вафот этган беморларда унинг сони 81,7% (p<0,001) га тенг бўлди. УАБ енгил шакли бўлган ГТБ, УАБнинг оғир шакли бўлган ҚД 2 тур (78,79±3,03%) га нисбатан камроқ учраган (p<0,001). Стероид миопатия КС нинг аломатларидан бири ҳисобланиб, вафот этган беморларда 2 марта кўпроқ учраган. Оқсил алмашинуви бузилиши 36,36±8,5% (p<0,05) вафот этган беморларда МКБ кўринишида намоён бўлган. Шу тариқа, хавфли АГ кўринишидаги юрак – томир асоратлари (ЮТА) каби оғир асоратлар миокард инфаркти ва мия кон

айланишининг уткир бузилиши (МҚАЎБ) га олиб келади, ҚД турли шакллари кўринишидаги УАБ, остеопороз кўринишидаги СТМЗ бузилиши КС да ўлим ҳолатига олиб келувчи энг кўп учраган сабаблар ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Кушинг синдромини яқин ва узоқ муддатли даволаш натижаларининг мониторинги»** деб номланган тўртиничи бобида КС турли даволаш усулларининг яқин ва узоқ муддатли натижалари баҳоланди ва мониторинги амалга оширилди. КС беморларини даволашнинг асосий мақсади ремиссияга эришишдир. Ремиссия ўлим кўрсаткичларининг пасайишига ёрдам беради, кардиоваскуляр хавф омилини яхшилайди. Жарроҳликдан кейинги дастлабки даврда кортизол миқдори яқин ва узоқ даврларда КС рецидивини башоратловчи мезон бўлиб келиши мумкин. Аниқланишича, 71,1±5,63% беморда ремиссияга эришилган, 28,9±5,63% беморда эса ремиссияга умуман эришилмаган.

7-жадвал

Кушинг синдроми регистрига кўра беморларнинг аҳволлари тавсифи

№	Беморларнинг аҳволи	АКТГ-БКС (%±m) n=219	АКТГ-ББКС (%±m) n=41	АКТГ- ЭСК (%±m) n=4	Жами (%±m) n=264
1	Ремиссия n=188	65,3±3,22	92,68±4,12***	75,3±2,83	71,1±5,63
2	Фаол (НДР, Р) n= 76	34,7±2,63	7,3±1,83**	24,7±2,53*	28,9±5,63

Эслатма: *** p < 0,001- АКТГ-БКС га нисбатан солиштиришга кўра фарқланишларнинг ишончлилиги (НДР беморларида ремиссия кузатилмади, Р – рецидив кузатилган беморлар).

